

## **ШЕКСПИР ВА НАВОИЙ: МУШТАРАКЛИК ВА ЎЗИГА ХОСЛИК**

**Махсуда Раҳматовна БЕРДИМУРАТОВА**

Филология фанлари номзоди

доцент

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мазкур мақолада Шекспир ва Навоий ижодидаги туташ нуқталар, муштарак ғоялар, фольклорнинг ҳар икки ижодкор ижодига кўрсатган таъсири, халқ қарашларининг ақс этиши ва реалистик тасвир услубига назар ташлашга уринилган.

**Таянч сўзлар:** Шекспир ва Навоий, шарқ ва ғарб, халқ ирим-сиримлари, халқ оғзаки ижоди, кенжа фарзанд, пантамимо, томоша санъати, реалистик тасвир.

## **ШЕКСПИР И НАВОИ: ОБЩНОСТЬ И СВОЕОБРАЗИЕ**

**Махсуда Раҳматовна БЕРДИМУРАТОВА**

Кандидат филологических наук

доцент

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистан

### **Аннотация**

В настоящей статье рассматриваются схожие грани в творчестве Шекспир и Навои, общие идеи, влияние фольклора на творчества двух мастеров пера, отражение народных взглядов и реалистичный метод изображения.

**Ключевые слова:** Шекспир и Навои, Восток и Запад, народные обычаи, устное народное творчество, младший ребенок, пантамимо, искусство представления, реалистичное изображение.

Шекспир нафақат инглиз ёки ғарб, балки дунё адабиётининг намояндаларидан биридир. Ғарб адабиётига хос бўлган энг яхши адабий анъаналар ва тенденцияларни ўзида жамлаган бу ижод намуналари ҳамон китобхонни ўйлашга, у ҳақда мушоҳада юритишга, турфа қарашларни юзага келтиришга замин яратади.

Чинакам бадиий асар ҳамиша яқдил хулоса чиқаришга эмас, балки турфа фикрлар, қарама-қарши қарашларни юзага чиқариш имконини беради. Шекспир ижоди халқ оғзаки ижоди ва халқнинг ишонч-эътиқодларидан озиқланган ижоддир. Унинг асарлари ғоясида қадимий кельт қабилаларининг турмуш тарзи ва қарашлари ётади.

Нафақат Шекспир ижодида, балки ғарб адабиётида бир анъана, адабий ходиса мавжудки, асар бош қаҳрамони ўзи билган бирор сирли ходисани сўз билан эмас, балки ҳаракатлар уйғунлиги, яъни пантамимо билан кўрсатишга интилади. Бунда объект кузатилади ва ундаги руҳий ҳолатларнинг, юзидаги ифодаларнинг ўзгаришига қараб ўз шубҳалари, тўғрироғи, ўзи билган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқдан ўтказиб олади. Минг бор эшитгандан, бир бор кўрган афзал, деган мақол инглиз, хусусан Шекспир асарларида қанчалик сингдириб юборилгани диққатга сазовордир.

Инглиз халқ оғзаки ижоди мураккаб, синтетик санъатдир. Кўпинча унда турли хил санъат турларининг элементлари бирлашади. Булар – сўз (оғзаки), мусиқий, театр. Уни турли фанлар – тарих, психология, социология, этнология, (этнография) ўрганади. У халқ ҳаёти ва маросимлари билан чамбарчас боғлиқ [4].

Ҳаммамизга маълум ва машҳур бўлган Александр Дюманинг “Граф Монте Кристо” асари бош қаҳрамони ўзи билган ҳақиқатларни рақибларига сўз орқали билдирмайди. Балки боғда бир томоша уюштириб, сахна ҳаракати орқали бу сирни ҳаммага ошкор қилади. Ўз қилмишларини сахнада кўрган одамлар бундан қаттиқ ташвиш ва изтиробга тушадилар, яширган сирлари ошкор бўлади.

Шекспирнинг “Ҳамлет” трагедияси ҳам шоҳона асар сифатида неча асрлардан буён китобхон қалбини ларзага солиб келади. Асар бошиданок кулминация билан бошланади. Қирол арвоҳининг кўриниши бу кутилмаган бир бошламадир. Биринчи кўринишда у энди гапирмоқчи бўлганда, бирдан хўроз қичқириб қолади ва у кўздан ғойиб бўлади. Хўрознинг қичқириб қолиши бу бир шартлилик бўлиб, ҳали Ҳамлет саройга етиб келмаган эди. Хўроз қичқириши икки вазифани бажаради: биринчидан, Ҳамлетни кутиш учун бир топилма бўлса, иккинчидан қадимий кельт қабилаларининг ирим-сиримлари ва эътиқодлари билан боғлиқ. Айниқса, қирол арвоҳининг махсус жанг кийимида қуролланган ҳолда кўриниши ҳам бир тимсол бўлиб,

арвоҳнинг тенгсиз ва шафқатсиз бир иштиёқ билан сўнги курашга отланганига ишорадир.

“Фалсафий ғоялар арвоҳлар ҳақидаги умумий ғояга ҳам ҳисса қўшган. Арвоҳларни ёвузлик тимсоли деб ҳисоблаб, уларнинг инсон қалбига зарарли таъсирини таъкидладилар. Шубҳасиз, уларнинг бу мавзу бўйича мулоҳазалари бошқа эътиқодга олиб келди. Одамлар олимлар руҳларни сеҳрлашга қодир эканлигига ишонишни бошладилар. Бу ғояларнинг барчаси “Ҳамлет”да ўз аксини топган ва бу фожиада ўзига хос тарзда ривожланган. Кекса қирол образини яратишда Шекспир халқ эътиқодларига жуда қаттиқ амал қилади. Подшоҳ ярим тундан кейин, “ўлик жодугар” соатида келади, биринчи хўрознинг қичқиришида йўқолади [4.]

Мисол учун “Ҳамлет”да Гораций қирол арвоҳига қараб: Кетма! Сўзла! Жавоб бер! Аврайман сени! [2; 9 ] деганида ўша ғоялар акс этган.

Христиан халқлари адабиётида, фольклорида, ҳатто болалар учун ишланган эртақ ва анимацион фильмларида бадиий тасвир хўроз қичқириши билан бошланиб, шу билан тугайди. Бу руҳлар, ёвуз кучлар, сеҳр-жоду кабиларни ҳайдаш учун уларнинг ишонч-эътиқодларининг маҳсули эканлиги бугунги маърифатли китобхон учун янгилик эмас.

Ғарб адабиётида хўрознинг биринчи қичқириши хосиятли ҳодиса бўлиб, у ёвуз кучларни ҳайдашга хизмат қилади. Мисол учун “Қирол Лир” трагедиясида ҳам ёзувчи Эдгар тилидан шундай дейди:

Бу Флибертиджибет деган ажина,

Хонадонларда чироқлар ўчиши билан саёҳатга чиқадида,

Биринчи хўроз қичқиргунча юради.

У кўзларга оқ туширади, ғилай қилади, лабларни қийшайтириб кетади.

Буғдойларга куя туширадиган ҳам ўша, ишқилиб, ердаги бор нарсаларга зиён-заҳмат етказиб юради [3;108 ].

Шарқ халқларида ҳам гарчи хўроз қичқириғи йўқ бўлса-да, ёвуз кучлар шом пайти ҳаракатга келади, шунинг учун болаларни шу пайтда кўчага ёлғиз чиқармаслик керак, деган қарашлар мавжуд. Бу бизнинг адабиётимизда ҳам

акс этган. Қуръони каримда ҳам “Жин” сураси мавжуд бўлиб, у 28 оятдан иборат.

Шекспиршунос англиз олими Мендлинг фикрича, Ҳамлетнинг ҳаммамизга таниш гаплари шайтон уни васвасага солиш учун келганми ёки йўқми, ханузгача шубҳаланиш билан боғлиқ театр анъаналарига бориб боғланади, ўрта аср театр анъаналарига кўра, иблислар билан паст овозда гапирилган. Аммо Ҳамлет аввалига унинг олдида “ҳалол руҳ” борлигига ишонч ҳосил қилмаган, унга мутлақо бошқача оҳангда мурожаат қилган. Бизнингча, бунинг сабаби Ҳамлетнинг Арвоҳга ишончсизлигида эмас, балки қаҳрамоннинг умумий ҳаёти-ҳаракатидадир. Ҳамлет руҳ билан ёлғиз қолгандан кейин у кескин ўзгаради. Дўстлари сўрашганида, у ғалати ва мантиқсиз жавоб беради:

Дания қироллигида ҳаром йўқ.

Ҳамлет келгач, қирол арвоҳи яна бир кўриниш беради ва ўғлига бор сирни етказади. Ёш шаҳзода бундан қаттиқ изтиробга тушади, қотил амакисидан ўч олишни дилига тугади. Бу ҳақиқатни юзага чиқариш учун у ҳам худди Граф Монте Кристога ўхшаб, актёрлар ёрдамида мазкур қотиллик саҳнасини уюштиради. Ўғай отасини кузатишни буюради. Амаки қирол бу томошадан ўзини жуда лоҳас ҳис қилиб, уни эрта тарк этади. Ҳаммаси аён. Қотил у эканлиги аниқ бўлди. Аммо Ҳамлет қанча имконият бўлишидан қатъий назар амакисини ўлдирмади. Фожиа шунда. Агар у ўғай отасини ўлдирганида, ҳаммаси жойига тушарди. Тахтни эгалларди. Отасининг ўчини оларди. Шу билан мазкур асарнинг фожеий шухрати ҳам бўлмасди. Биргина Ҳамлетнинг журъатсизлиги (уни журъатсиз ҳам деб бўлмайди, чунки у қилич санчиб Полонийни ўлдирганлигини эсланг) отаси қотилини ўлдиролмаслиги ёки ўлдиришни истамаслиги ўзи, онаси, маҳбубаси, донишманд Полоний ва бир қанча одамларнинг ҳаёти фожиа билан тугашига олиб келади.

Мазкур асарда китобхон эътиборини тортадиган бир жиҳат бор. Бу унинг биздаги шарқона қарашлар, шарқона одоб билан туташтирадиган

жихат шундаки, донишманд Полоний қизи Офелияга ўз номусини асраши, ўзини жуда яхши тутиши кераклиги ҳақидаги ота насиҳати.

А, шундайми? Жуда соз, мен эшитдимки,  
Гўё тез-тез келармиш сеникига у  
Сен ҳам унга, дейдилар кўп илтифоткор.  
Кўрганларин етказган менга одамлар.  
Бу рост бўлса, демакки, сен иффатингни,  
Ўз қизлик номусингни хато англайсан,  
Орангизда не сир бор? Очик айт менга [2;34 .]

Мазкур сатрлар тасаввуримиздаги ғарбона ахлоқсизликни, бизнинг шўро мафкураси бўйича шаклланган қарашларимизни йўққа чиқаради. Демак, Шекспир даврида ғарбда ҳам оила, қизларнинг ор-номуси, умуман фарзанд тарбияси муқаддас ҳисобланган экан. Жумладан, Русда ҳам оила муқаддас бўлган. Пушкиннинг аёлига ола қараган киборни дуэлга чақириши бунга мисол. Инсониятнинг айнаши кейин юз берган ҳодисадир.

Шекспир ижоди ҳам халқ оғзаки ижоди билан суғорилган адабиётдир. Масалан, шарқ адабиётига мансуб эртак ва халқ дostonларида ҳамиша акалар эплолмаган ишни кенжа ўғил уддалайди. Бу биз шарқ китобхонлари учун одатий, табиий ҳолдек туюлади. Бу ҳодиса бизнинг замонавий адабиётимизга ҳам кириб келган. Мисол учун Хуршид Давроннинг “Ота қабри” шеърида ҳам ота қабрини кетмон олиб бузишга келган акаларни кенжа ука қўлида тиф билан кутиб олади ва падари бузрукворининг абадий оромини меросдан воз кечиш эвазига сақлаб қолади.

Шекспирнинг “Қирол Лир” трагедияси моҳияти тўлиғича Шарқ адабиёти анъаналаридан озик олган, таъсирланган десак хато бўлмайди. Иккита кўрнамак опаларидан кенжа қиз ўз ҳалокати эвазига ота учун шафқатсиз ўч олади. Шекспир шарқ адабиётидан яхшигина таъсирлангани мазкур асаридан сезилиб туради.

Мана Шекспир ижодидан бир мисол келтирайлик. “Қирол Лир” трагедиясида Кент кенжа қизидан ғазабланган қиролга қарата шундай дейди:

Ғазабингни тизгинлаб ол! Шу жоним кафил,  
Кенжа қизинг сени ҳаддан зиёда севар:  
Тил жимлиги, дил бўшлигин белгиси эмас,  
Қайта, ичи бўш ерларда шовқин кўп бўлур [3;12].

Мазкур сатрлар ифода этган моҳият мазмун Жалолиддин Румийнинг карашларидан илдиз олгани энди сир эмас. Умуман, Шекспир ижодидан шарқ ғояларини истаганча топиш мумкин.

Шарқ адабиётидаги кенжа фарзанд, кенжа ўғил мотиви ҳали илмда ўрганилмаган. Бу илмий асосда ўрганилиши лозим бўлган бир мавзудир. Нега катта акалар эпллмаган ишни кенжа ўғил уддалайди. Бу жуда кизик маълумотларни тақдим этиши мумкин. Эҳтимол ёш ота-она катта фарзандларини ундай тарбиялайман, бундай тарбиялайман деб у ёқ-буёққа судраб ундан ҳеч нарса чикмагач, ҳафсалалари пир бўлиб, кенжа ўғилни ўз холига ташлаб қўйишар. Эркин ўсган болакайнинг хаёлот олами бой бўлиб ўсар. Ёки эҳтимол, кенжа фарзандга келиб, ота-она ҳар жиҳатдан камолотга эришар... билмадим... ёки бу бир илоҳий сирли ҳолатми?

Ғарб, хусусан Шекспир ижодига хос бўлган мазкур саҳна томошаси, пантамимо каби санъатлар бу оғзаки адабиёт маҳсулидир. Шекспир ижодини озиклантирган омиллардан бири бу халқ оғзаки адабиёти десак, хато бўлмайди.

Алишер Навоий шахси ва ижоди билан туркий халқлар то қиёматга қадар фахр ифтихор этсалар арзийди. Навоий ижоди Шарқ шеърятининг энг яхши анъаналарини ўзида синтез қилган, қайта ишлаган ва анъаналар бағрида янгилик ярата олган. Шекспир ижодини ўқиган одам ғарб адабиёти ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилганидек, Шарқ адабиётига қизикқан ғарб кишиси ҳам Навоий ижодини ўқиса, кунчиқиш адабиёти ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилади.

Шарқ адабиётида “Лайли ва Мажнун”, “Мажнун ва Лайли” туркумидаги дostonлар ёзиш анъана бўлган. Низомий, Навоий ва бошқа шу номда дoston ёзганлар “Лайли ва Мажнун” деб атаган бўлсалар, Хусрав

Дехлавий бу дostonни “Мажнун ва Лайли” деб атаган. Академик И.Ю.Крачковский “Шарқда Лайли ва Мажнун Ғарбдаги Ромео ва Жульеттадан ҳам кўра машҳурроқдир” [1; 331], деган фикрни айтади.

Алишер Навоий ижоди тўлиғича шарқда машҳур бўлган тасаввуф таълимоти билан суғорилган, албатта. Лекин Навоий ижодидан фақат тасаввуфий ғоялар қидирмасдан, реалистик тасвир элементларини, маиший ҳаёт икир-чикирлари, оддий инсоний ҳис-туйғулар фонида ўргансак ҳам самарали натижалар беради. Масалан “Фарҳод ва Ширин” дostonида Фарҳод Ширинга бўлган муҳаббатига эриша олмади. Шундан сўнг Фарҳод ўзидаги кучли энергияни бошқа ўзанга буриб юборди ва тоғни тешиб, сув чиқазди. Бу билан у ўзини жисмоний ва рухий ҳалокатлардан сақлаб қолди.

“Лайли ва Мажнун”да ҳам ошиқ ўз муҳаббатига эриша олмади. Лекин у ўз ғамлари ва қайғулари билан қолди. Натижада у жинни бўлди. Ташқарига чиқмаган ўша энергия, ҳис-туйғулар, висолга етмаслик изтироби Қайсни рухий мувозонатдан чиқарди.

Алишер Навоий ўз даврининг энг яхши реалист ижодкори. У бадий ижодда нимагаки эришган бўлса, энг аввало, Аллоҳ берган истеъдоди туфайли эришган. Қолаверса, уни дунёга берган миллатнинг бадий тафаккурига таяниб шу даражага етишди. Эл адабиётида фарзанд кўришни истаган одам уни Худодан тилаб олади, халққа садақалар қилади, дуо олади. Қайсининг отаси ҳам уни Худодан тилаб олган. Яккаю ёлғиз фарзандни узок кутган. Навоий дostonда Қайсининг отаси тилидан шундай ёзади:

*Ул лаҳзаки йўқ эди нишонинг,  
Қоним аро музмар эрди қонинг,  
Айлаб тиларингни муддаолар,  
Садқа берибу қилиб дуолар,  
Оч тўйгазибон ялангни ёптим,  
Ўлдум деганда сени топдим [1; 221 ]*

Навоий ижодида реализм элементлари шу даражада аниқ тасвирланганки, “Лайли ва Мажнун” достонидаги Қайснинг жиннилик қилиқлари тасвири шундай дейишимизга имкон беради:

*Гаҳи тутуб ўлтурур эрди мўр,  
Гаҳ туфроқ ила ясар эди гўр.  
Гаҳ шуғли кесак тошурга таъжил,  
Ясар эди ул кесак била мил.  
Гаҳ сочар эди бошига туфроғ,  
Гаҳ тиш била олур эди тирноғ.  
Гаҳ томға қўнуб минар эди чуст,  
Ҳар сори аёғларин этиб руст.  
Чимдир эди энгларини ҳар дам,  
Чайнар эди энгларини ҳар дам [1;219 ].*

Жиннининг аҳволини бундан ортиқ тасвирлаб бўлмайди. Шекспир ижодига нисбатан Алишер Навоий ижодида бадий тасвир қуюқроққа ўхшайди. Лекин дарҳол бу фикримдан қайтишга журъат топаман. Чунки биз Шекспир ижодини аслиятда эмас, таржимада ўқиймиз.

“Навоийнинг буюклиги ва мутафаккирлиги шундаки, “Лайли ва Мажнун”да гарчи тасаввуфга оид талқинлар бўлса-да, воқеалар замирида киши қалбини ларзага солувчи фожиавий-мажозий ишқ қисмати, ижтимоий адолатсизлик тасвири шу қадар ҳаётий тасвирланганки, бундан шоирнинг ўзи ҳам қаттиқ изтиробга тушади ва “йиғлай-йиғлай тугатдим охир”, деб қиссага яқун ясайди. “Лайли ва Мажнун” достони дунёвий адабиётнинг энг гўзал намуналаридан бири саналади” [1; 333.]

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Шекспир ижоди Англиядаги қадимий кельт қабилаларининг ишонч-эътиқодлари ва инглиз фольклоридан илдиз олган. Шу билан биргаликда, Шекспир ижоди шарқ адабиётидан таъсирлангани ҳам биров ойдаинлашди. Айниқса, халқ томоша санъати ҳисобланган пантамимодан Шекспир усталик билан фойдаланган. Навоий ижоди ҳам халқ оғзаки ижоди ва халқона қарашлардан илдиз олган. Айниқса,



фольклор мотиви ва ғоялари стилизацияси Навоий ижодида кучли акс этган. Шу билан биргаликда реалистик тасвир элементлари Алишер Навоий ижодида жуда ёрқин ифодалангани ҳам кузатишларимиз давомида маълум бўлди.

Ғарб адабиётида трагедия шоҳона жанр ҳисобланади. Мана шу шоҳона жанрда шоҳ асарлар яратиш Шекспирга насиб этган. Шекспир трагедия – фожиа яратиш устаси бўлса, Навоий эса (ўз даврида бундай махсус фожевий жанр бўлмаса ҳам) дostonда фожианинг гўзал намунасини яратган. Агар чинакам истеъдод бўлса, ижодкор учун жанрнинг аҳамияти йўқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Навоий, Алишер. Лайли ва Мажнун. МАТ. 9-жилд. – Тошкент: Фан, 1992. – 377 б.

2. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар. Ҳамлет. Беш жилдлик. Учинчи жилд. / Мақсуд Шайхзода таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1983. – 244 б.

3. Шекспир, Вильям. Танланган асарлар. Қирол Лир. Беш жилдлик. Иккинчи жилд. /Ғафур Ғулом таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1981. – 198 б.

4. 12 анализ произведения Литературу до 20 века для сочинение/53-neisskayemiyiistochnikustnoetvorchestvo/ Онлайн  
Библиотека/литература/Анализ произведений литература до 20 века для сочинений/.